

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 131 (11.442)

Баҳоси эркин нарҳда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200  
 ДОМ  
 ТОШКЕНТ

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида банк тизимини қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизация қилиш ва техник янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан бир қаторда халқаро сифат андозаларига ўтиш ҳам белгиланган.**



### Қарор ва ижро

## СИФАТ ВА САЛМОҚ ОРТМОҚДА

Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда республика корхоналарида халқаро андозаларга мос сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори қабул қилиниши билан янада фаоллашди.

“Ўзстандарт” агентлиги сифат менежменти тизимларини жорий этиш бўлими бошлиги Оқилбек Мустафоев ушбу ҳужжатни изоҳлар экан, сифат сертификати таъминотчи учун истеъмолчининг сифатли маҳсулотга бўлган талабларини бажаришга қодирлиги ҳақидаги ўзига хос кафолат вазифини ўташини маълум қилди. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли мамлакатимизда ана шундай юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи, сертификатлашган корхоналар сони кўпаяди.

2011 йилнинг 1 январига қадар ўз маҳсулотини экспорт қилувчи яна 277 корхонада сифатни бошқариш тизими жорий этилади. Уларнинг учдан бир қисмидан кўпроги тўқимачилик тармоғи ҳиссасига тўғри келади. Демак, ўзбек экспортининг ташқи бозордаги географияси сифатли калава ҳамда юқори қўшимча қийматли тайёр тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари ҳисобига кенгайди.

Ўз маҳсулотини ташқи бозорга экспорт қилувчи 952 ҳудудий корхона халқаро андозаларга мос сифатни бошқариш тизимини жорий этишда яхши истиқболга эга. Улар ҳам ишлаб чиқараётган маҳсулотларини халқаро сифат андозаларига мос тарзда сертификация қилиши зарур.

Корхоналар тизимини ўз кучлари ва мутахассисларига таяниб ёки маслаҳатчилар ёрдамида жорий этиши мумкин. Айни вақтда бозорда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш билан шуғулланувчи 20 дан ортиқ ихтисослаштирилган консалтинг фирмалари фаолият юритмоқда. “Ўзстандарт” агентлигида саккизта сифат менежменти тизимларини сертификатлаштириш идоралари рўйхатдан ўтган. Уларнинг 80 фоиздан ортигини миллий компаниялар ташкил этади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда сертификацияни синовдан ўтказиш бўйича 17 та марказ ишлаб турибди. Улар сифатни бошқариш тизимини жорий этиш билан шуғулланувчи бўлимлар, малакали кадрларга эга.

Консалтинг фирма ва компаниялар хизматларига бўлган эҳтиёж ўсмоқда. Бозор корхоналар ўзларида кенг йўлга қўйилган ISO-9001 стандартдан ташқари, бошқа — OHSAS 18001:2007 касбий саломатлик ва хавфсизликни бошқариш тизими, ISO 14001 экологик менежмент тизимини ҳам жорий этишларини тақозо қилмоқда.

Халқаро сифат андозаларига мувофиқлик сановат корхоналари фаолиятини янги босқичга кўтариш, уларнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда барқарор ўрин эгаллашини таъминлайди.

В.РУДАКОВА,  
 Ўза мухбири

### Саноат

## ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА

**Харидор диди ортиб бораётган бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нафақат сифати, балки замонавий дизайни, ўралиши ҳамда қадоқланиши ҳам муҳим рол ўйнайди.**

Шу боис ҳам «STEKLO PLYUS» масъулияти чекланган жамияти дизайнерлари ана шунга алоҳида ташкил қилишди, ички ҳамда ташқи бозорни ўрганган ҳолда меҳнат қилишади. Корхона жорий йилдан иш бошлаган бўлиб, асосан маҳаллий, яъни Қувасойда тайёрланган ойналардан фойдаланган ҳолда уларга чуқур қайта ишлаш асосида бадиий безак беради. Ушбу маҳсулотларга бугунги кунда бунёдкорлик ва мебелсозликда талаб катта.

Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида корхона директо-

ри, моҳир дизайнер Иброҳим Мирсаидовнинг «Янги технология бўйича» номинацияси ғолиби бўлгани бежиз эмас, албатта. Чунки истеъдодли дизайнерларга беш бўлган раҳбар ойнага чуқур ишлов беришда бадиий безакнинг ранг-баранглигига эътибор қаратиб, илғор технологиялардан самарали фойдаланади.

Корхона маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Шу боис ҳам тадбиркорлар йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишчилар сонини 20 нафарга етказишни кўзда тутишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

### Қўшма корхоналарда

## ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

**Бозор иқтисодиёти шароитида харидор талабини қондириш учун унинг дид ва эҳтиёжини ўрганган ҳолда янги-янги маҳсулот турларини яратиш корхона нуфузини оширибгина қолмай, ўрнини белгилаб беради, буюртмачилари сафини кенгайтиради.**

Ана шундай корхоналардан саналган «Ўзэлектротехника-Электротех» қўшма корхонаси очик акциядорлик жамиятида киритилган инвестициялардан самарали фойдаланган ҳолда цехларни янги технологик линиялар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилганлиги кўзланган мақсадга эришишда қўшилган самарани бермоқда. Бунинг натижасида йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари ортиб бораёпти. Шунингдек, корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам юксалимоқда, ташқи бозордан буюртмалар тўшмоқда. Яна бир муҳим жиҳати хусусида тўхталиш жоиз бўлса, йилга ўнлаб қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Корхонада замонавий технологияларни қўллаш асосида ишлаб чиқарилаётган юқори ва паст вольтли электр жиҳоз ҳамда ускуналар халқ хўжалигининг қўллаб-тармоқларида қўл келмоқда, халқ истеъмоли товарлари эса аҳоли эҳтиёжини қондираёпти.

— Корхонамизда жорий

йилнинг ўтган беш ойи мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми режадагидан анча ортиқни, яъни 17.819,2 миллион сўмини ташкил этди, — дейди корхона бош директорининг ўринбосари Владимир Суволокін. — Халқ истеъмоли товарлари тайёрлаш эса белгиланганидан 2 баравардан зиёд бажарилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 186,3 фоизга етди. Ишчи-хизматчилар санига эса яна 100 нафар мутахассис қўшилди. Яна шунини мамнуният билан таъкидлаш лозимки, янги бўяш цехи иш бошлаб, у Италиядан келтирилган замонавий ускуна билан жиҳозланди. Лазер мажмуаси ҳам иш бошлади. Янги йиғув цехининг иш бошлаши эса маҳсулот турлари ва сифати ортишида, буюртмаларни ўз вақтида удралашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида 4 та конструкторлик бўлими иш олиб бормоқда. Замонавий техни-

калар билан жиҳозланган мазкур бўлимларнинг малакали мутахассислари излашни яхши натижалар беряпти.

Корхонада жорий йилдан бошлаб яна бир янги маҳсулот — дазвол тайёрлана бошлади. «Чимган» дея номланган мазкур маҳсулотнинг 6 тури бугунги кунда истеъмолчиларга етказиб берилмоқдаки, улар алоҳида дизайнни, ўзига хос сифатни, ишлатишга қулайлиги билан харидорларга манзур бўляпти. Йил охиригача 10 минг дана дазвол тайёрлаш кўзда тутилган.

Муваффақиятларнинг яна бир жиҳати хусусида тўхталиш жоиз бўлса, бу ишчи-хизматчиларга яратилаётган қулай иш, яхши дам олиш, саломатликларини тиклашга қаратилаётган катта эътибордир. Янги қуриб битказилган жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуасининг ишга туширилиши ҳамда ахлини мамнун этди. Амалга оширилаётган ишларнинг барчаси муваффақиятларга гаров бўлаётгани эришилаётган ютуқларда яққол аксини топмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
 СУРАТДА: корхона цехларида малакали мутахассислар меҳнат қилишади.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

### ҚИСҚА

#### САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетига ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбирда 2009-2010 ўқув йилидан мазкур илм масканида испан филологияси факультети фаолият бошлаётганлиги маълум қилинди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Тадбиркор аёллар жамоатчилиги бирлашмаси ташаббуси билан хоризжиклар иш тажрибаси билан яқиндан танишиш мақсадида Германия ва Бельгияга кетган бир гуруҳ тадбиркор аёллар Тошкентга қайтиб келишди.

✓ **ШАҲРИМИЗДАГИ** Бобур номли маҳаллада «Ёз — ўтмоқда соз» мавзусида ўтказилган тадбир «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги 204-мактаб қоромғоғи «Кўеция» ёғи болалар оромгоҳида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури «Салом, оромгоҳим!» деб номланди.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Оқсаройда Испания Қироллиги ташки ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Испания муносабатларига доир масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»-ги ва «Маданий бойликларнинг олиб чиқи-лиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Бухоро вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

• Бекобод шаҳрида 32 хонадонга мўлжалланган иккита гиштли уй фойдаланишга топширилди. Умумий майдони 4348 квадрат метр бўлган ушбу турар жойлар «Ўзметкомбинат» АЙБда меҳнат қилаётган ёшлар учун қисқа муддатларда қуриб битказилган. Таъкидлаш жоизки, ёш оилалар уйнинг 10 фоизи миқдоридоги бадални олдиндан тўлайди ва қолган қисми 15 йил давомида уларнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинади.

• Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманида «Хоразмшифер» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Ушбу корхона томонидан 178 минг АҚШ доллари миқдоридоги инвестициялар ўзлаштирилди, «Халқ банки» эса 160 миллион сўмлик кредит берди. Бир кеча-кундузда 300 дон шифер ишлаб чиқариш қувватига эга янги корхонада 32 киши доимий иш билан таъминланди.

• Амударё туманидаги Қипчоқ қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда тумандоғи 30 га яқин корхона ва ташкилот, фермер хўжалиги ҳамда хусусий тадбиркорлар 160 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида иштирокчиларнинг 100 нафарига ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.

• Тошкент Аxbорот технологиялари университетининг Нукус филиалида Нукус политехника касб-хунар коллежи ўқувчилари учун очик эшиклар кўни ўтказилди. Қизиқарли кечган мазкур тадбирда коллеж ўқувчилари олий ўқув юрти ҳаёти, бу ерда талабалар учун яратилган шароитлар билан танишди.

### ЖАҲОНДА

• Бугун АҚШ Президенти Барак Обама давлат раҳбарлигига сайланганидан буён илк бор уч кунлик ташриф билан Россияга келди. Обама Россияда олий даражадаги учрашувлардан ташқари талабалар олдида маъруза ҳам қилади.

• АҚШ ва Туркия Президентлари Б.Обама ва А.Гул Кавказдаги вазиятни муҳокама қилдилар.

• Гондураснинг ағдарилган президенти М.Селайю кеча ўз самолётида Никарагуа пойтахти Манагуага келди. У бу ерда Лотин Америкаси мамлакатлари президенти билан учрашди.

• Сочида Олимпия иншоотларига олиб борадиган йўлда Россия спорт юлдузларининг хиёбони ташкил этилди. Хиёбоннинг очилиш чоғида мамлакатнинг энг атоқли Олимпиада чемпионлари турли дарахлар қўчатларини ўтказиб, хиёбонга асос солишди.

• Мексиканинг Канкун курорт шаҳрида дунёга ташвиш солаётган А/Н1N1 гриппи вируси тарқалишининг олдини олиш ва касалликни баргараф этишга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда 50 та мамлакатдан 80 дан ортиқ мутахассис қатнашди.

• Исроиллик 70 ёшли фермер ўз дала-сида бир метр 18 сантиметр узунликдаги бодринг етиштириб, ўзига хос рекордга эришди. Ушбу бодринг ҳали узилмаганлиги сабабли фермер унинг яна бир неча сантиметр ўсишига умид билдирмоқда ва тез орада ушбу натижани Гиннесснинг рекордлар китобида қайд эттирмоқда.

• Жорий йилнинг бошидан буён молиявий қийинчиликларга кўра АҚШда 49 та тижорат банки ўз фаолиятини тўхтатди.

• Болгарияда бир неча мамлакатлар полиция хизматлари иштирокида амалга оширилган операция давомида 17 кишидан иборат қалбаки пул ясовчилар жиноий гуруҳи қўлга олинди. Маълум бўлишича, улар тўрт йил давомида 16 миллион евро қийматидаги сохта пуллари тайёрлаганлар.

• А/Н1N1 гриппи вируси яна бир Европа мамлакатида топилди — Латвия Соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатда ушбу грипп билан касалланган бемор борлигини тасдиқлади. Вазирлик тақдим этган ҳисоботда келтирилишича, мазкур хасталик билан касалланган аёл яқинда АҚШ ва Канадада бўлиб, ўз юртига қайтиб келган.

• Австралиядоги ҳайвонот боғларидан бирида панда айғи эғизак бола кўрди. Бу табиатда жуда кам учрайдиган ноёб ҳодисадир.

# ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!



## ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ


Дунёга кенг очилмишдир қадим Шарқнинг дарвозаси. Еру кўкка тенг таралмиш шухратининг овозаси. Истикболли эркин парвоз — мустақиллик тақозоси, Юракларда ҳавас кўзгар бахтли тинчлик андозаси. Ўзбекистон юрагисан, таянчисан она — Тошкент, Тирикликнинг чирогисан, қувончисан она — Тошкент

Карвонларнинг хизматида мангу Буюк Ипак йўли. Баланд юксак кўприкларинг шону шухрат, ардоқ йўли. Жаҳон шаҳарлари аро обрў кўчган, баланд кўли, Пойтахтига чексиз мадад ўзбегимнинг меҳру дили. Ўзбекистон юрагисан, таянчисан она — Тошкент. Тирикликнинг чирогисан, қувончисан она — Тошкент.

Кўз қувнатар сон-саноксиз эркин кулган бозорларинг, Фаровонлик маъмуриликдан салобатли виқорларинг. Бир-биридан ризо, хурсанд харидору миҳозлар, Истиклолнинг қанотида яйраб-яшнаб парвозларинг. Ўзбекистон юрагисан, таянчисан она — Тошкент, Тирикликнинг чирогисан, қувончисан она — Тошкент.

Сендай гўзал шаҳри азим учар фақат эртақларда, Хайратланиб орзуларанг диллар аро сўроқларда. Энг суюкли сиймоларинг яшар кўзгу қароқларда, Мангуликка муҳрланиб қолгансан пок тилақларда. Ўзбекистон юрагисан, таянчисан она — Тошкент, Тирикликнинг чирогисан, қувончисан она — Тошкент.

Камбар ОТА



Мен — Тошкентман!

**Муҳтарам тингловчим! «Шаҳар ҳам сўзларканми» деб ажабланманг. Қадим Турону Туркистону Ўзбекистонда «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» деган нақл бор. Ҳаммаси санъатга, ниятни амалга ошириш учун ҳаракатга боғлиқ. Шундай қилиб, монолог — фахрияни бошладим.**

Мен — Тошкентман! Кўпни кўрган қадимий кентман. Номим Мағрибдан Машриққа маълум ва машҳур. Буюк Ипак йўлининг нақ белида жойлашганман. Ростини дадил айтсам, Турон мамлакатининг доғруғини оламга таратган ийрик шаҳарлардан бири мен бўлман. Минг йиллар давомида уламою фузалоларга, хунармандларга маскан ва қалқон бўлиб келмоқдаман. Кўп савдоларни бошдан кечирдим. Қанчадан-қанча буюк сиймоларга бешик бўлдим...

22 асрдан ортиқ тарихга эгаман. Энг қадимги, яъни биринчи номим Чочдир. Миллодий VIII асрнинг бошидан бошлаб, араб манбаларида "Шош" деб аталганман. Аслида "Шош" дегани ҳам "Чоч" деганидир. Илк ўрта асрларда "Чоч", "Шош", "Шошкент", "Мадинат аш - Шош", "Бинкат" ва "Таркан" деб ҳам аталдим.

"Тошкент" деган номим даставвал Абу Райхон Берунийнинг "Осор-ул боқия" ва Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону лугатит турк" асарларида тилга олинган.

Жуғрофий жиҳатдан қулай, мўътадил иқлимли ерда — Чирчиқ дарёси воҳасида, савдо карвонларининг йўли устида жойлашганман. Бағримдаги барча суғориш шохобчалари — Бўзсув ва унинг ирмоқлари — Қорасув, Салор, Анҳор, Кайқобус, Қичқирқ, Қорақамишлар инсон азму иродаси билан бунёд этилган каналлардир.

Ўзбекистон — Аллоҳ таоланинг назари тушган дийёр дейдилар. Мен ҳам шу дийёрнинг бир кенти сифатида Тангри таоланинг марҳаматиға ноил бўлган шаҳарлардан бириман.

Холиқи муаззам азиу мукаррам қилиб яратган кўлаб буюк зотларга ватан бўлганман. Муҳандис ва муҳаддис, 72 та тили билган, Тавротни араб тилига илк бор таржима қилган Абу Бакр Қафқол Шоший, Шайх Зайниддин бобо Тошкандий, шоир Бадр Чочий, Шайх Хованди Тоҳур, Хофиз Кўҳакий шулар жумласидандир. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг онаси Қутлуг Нигор оғим ҳам бағримда таваллуд толган. Тўрт тарафим ҳам Аллоҳ таоло азиу мукаррам қилиб яратган улуг зотларга макон бўлган. Булар Туркистон пири Аҳмад Яссавийнинг сафдошлари, авлодлари ва издошлари бўлмиш валий зотлар — Зағи ота, Сузук ота, Иброҳим ота, Қўшчи ота, Саид ота, Саид Ваққос ота, Қўйлуқ оталардир.

Мен 2007 йилда «Ислому маданияти маркази» деб эътироф этилдим, бағримда кўлаб мадрасалар, масжидлар, буюк уламолар дафн этилган мақбаралар бунёд қилинган барчага аёндыр.

Давлат пойтахтисиз бўлмайтиди, пойтахтисиз давлатни тасаввур қилиш мумкин эмас. Халқимиз ўз тарихида кўлаб салтанатлар, хоқонликлар, хонлик ва амирликлар тузган экан, демак, унинг кўлаб пойтахтлари бўлган. Булар — Самарканд, Урганч, Бухоро, Қубо, Қўқон, Хива ва бошқалар. Мен 1991 йилнинг 31 августидан бошлаб қайта кад ростлаган янги ўзбек давлати — Ўзбекистон Республикасининг пойтахтиман. "Ахир Тошкент 1930 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг пойтахти бўлган эди-ку" деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, мен илгари пойтахт эмасдим, мустамлака бир ўлканинг бир маркази эдим, холос. Чунки пойтахт бўлиш учун аввало пойтахтлик мақоми керак, унда чет эл мамлакатларининг элчихоналари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари бўлиши шарт. Пойтахтда мустақил давлатнинг давлат ва ҳукумат идоралари жойлашади. Пойтахтга пойтахтлик мақоми мустақил давлат то-

монидан берилади. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, мен чин маънода пойтахт бўлиб қолдим. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституциямизнинг 8- моддасида "Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри" деб ёзиб қўйилган. Бу мен учун буюк бир шарафдир. Инсон ақли бошида бўлганлиги каби давлат даҳоси ҳам — бошкентда макон топқусидир. Мен қаерда туғилган бўлишимдан қатъи назар барча ўзбекистонликлар учун, Ер юзидаги барча ўзбеклар учун баб-баравар

## ҚЎШ МИНОРАЛИ ПОЙТАХТ

Монолог — фахрия

тегишли бўлиб бир хил мақомда — пойтахтлик мақомидаман. Бинобарин, пойтахт — давлатнинг бош таяни, миллат ва мамлакатни бирлаштирувчи, етакловчи бир омилдир.

Ун тўрттинчи асрда менга сохибқирон Амир Темурнинг назари тушган эди, бу қутлуг назардан менга кўп наф етган эди. Истиклол арафасида ва мустақиллик йилларида мен яна бир шарофатли назарга сазовор бўлдим. Бу Президент Ислам Каримовнинг қутлуг нигоҳидир, десам чин ҳақиқатни айтган бўламан.

Ортбошимиз менинг бағримда камолотга эришди, ярим асрдан ортиқ умрини, бутун онгли ҳаётини бағримда ўтказиб, халқимиз ва Ватанимизга бахшида этиб келмоқда. Бу умр — сохиби умр учун ҳам, халқ ва Ватан учун, шу жумладан, мен учун ҳам самарали бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мен истиклол йилларида Ортбошимизнинг ташаббуси ва давлат бошлиғи сифатидаги муттасил эътибори, жонқуярлиги, саъий ҳаракати туфайли улкан қурилиш майдониға айландим, қайта чирой очдим, дунёдаги энг кўркам ва замонавий шаҳарлардан бириға айланиб бормоқдаман. Бунда Президентимизнинг меъморий салоҳияти яққол намён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам менинг 2200 йиллик юбилейимнинг бош қахрамони муҳтарам Ортбошимиздир, десам арзийди.

Пойтахт қиёфаси — миллат қиёфаси, дейдилар. Қайси бир давлатга борманг, унинг пойтахтиға қараб, ўша давлатнинг туб миллати маданиятиға, куч-қудратиға, бутун мамлакатнинг умумий қиёфасиға, халқининг ҳолати ва кайфиятиға баҳо берайсиз. Пойтахтдан олинган таассурот бутун мамлакатга тегишли бўлиб туюлади.

Сохибқирон Амир Темур ўз даврида салтанати пойтахти бўлиш Самарқандни дунёдаги энг гўзал, обод ва фаровон шаҳарға айлантириш учун жон куйдиргани бежиз эмас. Кейинги олти асрлик давлатчилигимиз тарихида бутун мамлакатда ва мен — пойтахтда ҳозирги истиклол давридагидек бунёдкорлик ишлари олиб борилмаган эди. Пойтахтлик мақомиға эга бўлганим учун менга ўзгача ёндашув бўлиши табиийдир. Масалан, Деҳли дейилганда бутун Ҳиндистон кўз олдимизға келади. Лондон деганда Англияни ташунаимиз. Париж деганда Франция намён бўлади ва ҳоказо. Ортбошимиз жонқуярлиги самараси ўлароқ, Тошкент деганда эндиликда бутун Ўзбе-

кистон ҳақида таассурот ҳосил бўлмоқда.

Кўчаларига қараб шаҳарға баҳо берилади. Кўчалар кенг бўлса, шаҳар улкан бўлиб туюлади, чарогон бўлса, йўловчи кўнглида қуёш чарқлайди, дили равшан тортади, хотири жам бўлиб, бемалол сайру саёхат қилади.

Менинг кўчаларим тунларда ҳам қундуздайин чарогон, омонлик — эсонлик, хотиржамлик ҳукм сурган, ҳаловатли ва озода кўчалардир. Яхшилаб қаранг, ҳаммаёқ ям-яшил ва гулзор.

Ҳавозалар, кранлар — тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик, маъмурилик, сихат — саломатлик, омонлик ва албатта, келажакка қомил ишончнинг яққол белгиларидир. Шу омиллар бўлмаса, бунёдкорлик қайси кўнглиға сизарди, дейсиз.

Мен гулистон мамлакатимиз ичида бир бўстонман. Азим чинорларим, мевали ва манзарали дарахтарим иқлимимни мулоиймлаштириб туради. Ариқларимда жилдираб, шилдираб ва шарқираб сув оқиши кўзни қувнатади, дилни яшнатади, танга ором беради. Анҳорбўйи, Соиббўйи, Сохилбўйи деб аталувчи кўчаларимға ўхшаш кўчалар дунёнинг ҳеч қаерида бўлмаса керак.

Кўчаларим ва майдонларимға фавворалар алоҳида файз бахш этади. Бугунги кунда 60 та фавворам ишлаб турибди. Буларнинг бири иқлимимизға яққол тегишли тошкентликларнинг диди ўткир ва нозиклигидан дарак беради.

Мен дўстлик ва биродарлик, меҳмондўст шаҳарман. Тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналарим узоқ — яқиндан келган меҳмонлару сайёҳлар хизматида.

Мен мустақил давлат пойтахтиман. Қирқдан ортиқ давлатнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллик ваколатхоналари менда фаолият юритмоқда.

Майдонларимнинг ҳар бири ўз қиёфаси ва салобатиға эга. Мустақиллик майдони бутун мамлакатимизнинг бош майдони ҳисобланади. Ундаги Сенат биноси ва Эзгулик аркаси бу майдонимға улугворлик ва кўркамлик бахш этиб турибди.

Кўчаларим ва хиёбонларимдаги ҳайкаллар халқимизнинг шони ва бой тарихидан шохидлик бериб турибди. Истиклол йилларида Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби сиймоларға ҳайкаллар қўйилди.

Хотира ва кадрлар майдони ва Шаҳидлар хиёбони эндиликда ёшу кексаларнинг зиёратгоҳи бўлиб қолди.

Ортбошимизнинг ташаббуси ва раҳбарлигида бунёд этилган Туркистон саройи, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Олий Мажлис биноси ва ниҳоят, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи ҳамда унинг қаршисида тикланган иккинчи Курант — Соатли минора кўркамға кўрк қўшиб юборди. Бу икки обида менинг қутлуг 2200 йиллик юбилейимға муносиб совға бўлди. Энди бундан бўёйиға мени "Қўш минорали пойтахт" деб атасалар ажаб эмас.

Хуллас, мен мустақиллик шарофати, Ортбошимизнинг саъий - ҳаракати билан буюк шаҳарлардан бириға айландим. Бу — мустақиллик йилларида халқимиз қўлга киритган катта ютуқларидан биридир. Халқаро нуфузим ошиб, жаҳонға дахлдор шаҳарлардан бўлиб қолдим. Айни пайтда жаҳон ҳам менға дахлдордир. Буларнинг бари миллий истиклолга эришганимиз туфайлидир. Агар мустақил бўлмасак, менға Ислам маданиятининг пойтахти деган мақом ҳам берилмасди, менинг бу 2200 йиллик юбилейим ўтказилмасди. Ҳа, Ўзбекистон учун, ўзбек халқи учун 1991 йилнинг 31 августидан янги давр бошланди. Менинг қўш минорали пойтахтға айланиб, кемтик бахтим бутун бўлиши ўшандадир.

Абдуқаҳҳор ИБРОХИМОВ,  
Ўзбекистон санъат арбоби

2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

## КЕЛАЖАККА ЙЎЛЛАНМА

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида наватдаги битирувчиларға диплом топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда институт профессори-ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари ва битирувчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни пухта билимли, мустақил фикрли, қомил шахслар сифатида воғға етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ана шу эзгу мақсадға хизмат қилмоқда.

Мазкур билим юрти мамлакатимизда қишлоқ хўжалиғи соҳаси учун ер тузиш ва кадастри, сув хўжалиғини автоматлаштириш ва механизациялаш, сув хўжалиғини мелиорацияси, сув хўжалиғи иқтисодиётини бошқариш каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Институт ўқув-лабораториясида қишлоқ хўжалиғи, айниқса, сув тизимида қўлланиладиган техника ва технологияларни тақомиллаштириш, янгиликларини кашф этиш борасида ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Таълим даргоҳида кўлаб тажрибали олимларнинг фаолият юритаётгани пухта билим ва салоҳиятға эга мутахассислар тайёрлашға хизмат қилаётди.

Жорий йилда институтнинг 787 нафар талабаси бакалавр даражасини олиб, мустақил ҳаётға қадам қўйди. Улар Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирилик ҳамда "Ўзбекэнерго" компанияси тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилади.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎЗА муҳбири

Иқтисодиёт

## МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Тайёрланаётган маҳсулотнинг юқори сифати, ишончилиғи ва қафолот мuddати буюртмачилар сафи ортишида, харидорлар кўпайишида муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимизда 2004 йилдан буюн фаолият кўрсатаётган «TASHKENT-TRANS-ENERGO» ҳуусий ишлаб чиқариш корхонасида ҳам олиб борилаётган изланишлар ва сайёҳаракатлар, бис тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ортмоқда. Шу боис ҳам корхона маҳсулотларига нафақат ички, балки ташқи бозордан ҳам харидорлар сафи кўпаймоқда. Тадбиркорлар жорий йилдан бошлаб маҳсулотларининг 30 фоизини четта сотишни режалаштирган бўлиб, Қозғистон, Россия, Тожкистон, Туркменистон сингари қўшни давлатларға экспорт йўлга қўйилади.

Бугунги кунда 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада асосан юқори ва паст қулнишили электр ускуналари ишлаб чиқарилиб, уларнинг тури 30 хилдан ортиб кетди. Цехларнинг юқори унумли технологик линиялар билан жиҳозланганлиғи ҳамда уларни бошқараётган мутахассисларнинг малакасини оширишға қаратилган эътибор маҳсулотларнинг рақобатбардорлиғини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сертификатланган маҳсулотларимиз давлат стандартлари талабларига тўла жавоб беради, — дейди корхонанинг тижорат ишлари бўйича директори Искандар Султонов. — Шу боис бўлса керак, товарларимизға талаб йилдан йилға ортиб, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўсаяпти. Утган йилда 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажминини 1 миллиард сўмликдан ошираемиз. Бунинг учун барча имкониятларимиз етарли.

Корхонада технологик қайта жиҳозлаш ва модернизация ишлари ҳам назарда тутилган бўлиб, лизинг асосида янги ускуналар келтириш жорий йилда амалға оширилади. Шу асосда маҳсулот турлари кўпайиб, қўшимча иш ўринлари ҳам яратилади.

## БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДЛИККА ҲИССА ҚЎШИШМОҚДА

Мамлакатимизда қурилиш ва обод этиш ишлари қизинг паллага кирган айни дамда сифатли ҳамда замонавий бунёдкорлик ашёларига талаб ҳам ортиб борапти.

Энг муҳими эса четдан келтириладиган маҳсулотлардан асло қилишмайдиган кўркам ва қафолатли ана шундай товарларнинг замонавий технологиялар асосида ўзимизда ишлаб чиқарилаётганидир. Бу, албатта харидорларимизға қулай ва ишончли бўлиб, объекларнинг тез ва соз фойдаланишға топширилишида бунёдкорларимизға мадад бўлмоқда.

Яққасарой туманида иш бошлаган «TROUAR» маъсулияти чекланган жамиятида ҳам айни пайтда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда 8 турдаги замонавий, ўзига хос дизайнға эга бўлган йўлак плиталари тайёрланмоқда. Ушбу маҳсулот Европанинг "Вибропресс" технологияси асосида ишлаб чиқарилмоқда. — Цехимизға ўрнатилган Россиядан келтирилган дастгоҳлар маҳсулот турлари ва сифати ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди жамиятнинг тижорат директори Фаёрат Қосимов. — Тайёрланаётган йўлак плиталаримизға бугунги кунда талаб катта. Улар йўл ва йўлаклар кўрқини таъминлашда, бинолар ён-атрофининг обод этиб чирой бағишлашда хизмат қилмоқда. Асосий буюртмачиларимиз сафидан қурилиш ташкилотлари ва ободонлаштириш бошқармалари ўрин олган.

Пойтахтимизнинг шони юбилейи арафасида тадбиркорлар буюртмаларини тез ва соз адо этишға интилишмоқда. Қуниға 360 метр квадратдан зиёд плиталар тайёрланиб буюртмачилар талаби қондирилмоқда. Энг асосийси эса улар тайёрлаётган маҳсулотлар сочилмайди, дарз кетмайди, иссиқ ва совуққа бирдай чидамлидир.

Шарофат БАҲРОМОВА

Фармон ва ижро

ШИФОХОНАНИНГ ЗАМОНАВИЙ БИНОСИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 4-юқумли касалликлар шифохонаси замонавий андозалар даражасида қайта таъмирланди ва янги махсус тиббий асбоб-ускуналар, мебеллар билан жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди. Бу тадбир «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ва ҳомийлар кўмагида амалга оширилди.

Мамакатимизда тиббий-ижтимоий жаҳда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида янги шифо масканларини барпо этиш, тиббий таъминотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини мунтазам кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш ҳамда тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим дастуриламал бўлаётди.

ри я жамғармалари ҳам фаол иштирок этаётди. «Меҳр нури» хайрия жамғармаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик маъсасаларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш борасида қатор самарали лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги «Эски Жува» деҳқон бозорида туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори мазмун-моҳияти ҳамда «Ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, диний экстремизм ва терроризмнинг оқибатлари» мавзусида тадбиркор аёллар билан катта маънавий тадбир ўтказилди.

Тадбирлар

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР ИШТИРОК ЭТДИ

Учрашувда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайёхон Пулатова сўз юритиб, юқоридаги Қарор ижросини таъминлаш мақсадида жойларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, шунингдек, туманда соғлом ижтимоий-маънавий барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, пойтахт тарихи, обидалари, масжидлари, дарвозалари ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, бугунги кундаги олдимизда турган асосий мақсад тарихий обидаларни сақлаб қолиш, замонавий Тошкентнинг янада гуллаб-яшнаши учун кўламазорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига янада кўпроқ эътиборни қўйиштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Туман бош отинояси Ф.Сулаймонова эса туманда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни қўйиштириш, фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш юзасида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Республикада олиб борилаётган сиёсатни ёшларга тўғри тушуштириш, уларнинг ҳар қандай норасмий диний оқимларга кириб кетишининг олдини олиш кераклиги, бу масалада ҳар биримиз масъулиятни ҳис этишимиз лозимлигига эътиборни қаратди. Йилгили сўнггида иштирокчилар саволларига жавоб берилди.

Хар томонлама фойдали бўлган ушбу тадбирда «Эски Жува» деҳқон бозори тадбиркор аёллари ва туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этишди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМГОҲДА БАДИИЙ-МУСИҚИЙ КЕЧА

Айни кунларда шаҳримиздаги умумтаълим мактабларида соғломлаштириш майдончалари ва оромгоҳлар ташкил этилган бўлиб, уларда минглаб ўқувчилар мазмунли ҳордиқ чиқармоқдалар. Шу билан бирга оромгоҳларда турли мавзуларда тадбирлар, бадий-мусиқий кечалар ўтказилмоқда.

Яқинда Юнусобод туманидаги 259-мактабда ташкил этилган «Тошкентим — она шаҳрим» мавзусидаги бадий-мусиқий кечада пойтахтдаги Ахборот-ресурс маркази раҳбарлари, кутубхоначи ва ўқитувчилар ҳамда ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган болалар иштирок этишди. Тумандаги иқтидорли ва истеъодли ўқувчилар уларнинг актёрлик

маҳоратларини намойиш этиб, рақо ва кўшиқлар, сахна кўришлари ижро этишди. Шунингдек, кечада Тошкент шаҳрининг ўтмишидан то бугунги кунигача бўлган тарихи, маданий обидалари, кўҳна дарвозалари, буюк алломалари ҳақида маълумот берилди.

Пойтахтнинг ўзига хос кадимий либослари, унинг мато ва безаклари таърифланди. «Бешик

солди», «Келин салом» каби урф-одатлари яна бир қарра ёдга олинди.

— Бугунги тадбир соғломлаштириш оромгоҳида дам олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, намуна тарзида кутубхоначилар, тарбиячилар учун кўрсатиб берилди, — дейди Юнусобод ТХТБ кутубхона ишлари бўйича услубчиси Сурия Хусниддинова.

Махмуда ЗОИРХОН қизи



хотинда эмас. Қарзим ҳам бор деб. Шуни ҳал қилишим керак. Сурхондарёда бир танишим бор. Ундан қарз сўрамоқчиман. Агар бермас... Билмадим.

— Менда қизимни чиқараман деб йиғиб қўйган озгина пулим бор. Балки етиб қолар. Ўзи қанча керак?

— 3000 кўкидан, жоним. Иложи бўлиши билан қайтариб бераман. Ўзи бир иш қилмоқчи эдим. Худо хоҳласа яқинда қўлимга пул тушиб қолади.

Гулжамолга совчилар кела бошлади. Тўй таратди-ни бошлаган Гулбахор Исроиилдан пулни қайтаришини сўради. Исроиил 5000 АҚШ долларидан 1200 ни қайтариб берди-ю, жуфтаси ростлаб қолди. Икки ҳафта севгилсини уйда кутган Гулбахор охири оқибат алданганини тушуниб этди.

Гулбахорга бу сафар эски таниши Дилмурод ёрдам қилиши чўзди. Тезда улар яқинда қамқодан чиққан «Шер» исмли кимсани

кўрсатиш доирасидан ташқарида» бўлганлиги сабабли ҳеч ким жавоб бермади. Саросимага тушган Гулбахор жазодан кўрқиб, нима қилишини билмай турган бир пайтда нотаниш аёл унга кўнғироқ қилиб, эрталаб жиянига кимдир суиқасд қилганини, у хозир касалхонада эканлигини айтди. Кечроқ Исроиил телефон қилиб, касалхонада, ўғлининг ёнида эканлигини хабар берди. Орадан 10 дақиқа вақт ўтар-ўтмас, «Шер» кўнғироқ қилиб, буюртма бажарилганлигини, келишилганидек 50 АҚШ долларини тўлашни Гулбахордан талаб этди.

Аёл келишилган пулни бериш учун учрашувга кизи билан чиқди-ю, тўловни амалга ошириш жараёнида ички ишлар ходимлари томонидан ҳибсга олинди. Тергов жараёнида Гулбахор айбига иқдор бўлиб, Исроиил ва унинг ўғлини ўлдирганини хоҳлаганини, фақатгина уларни кўрқитиб, пулни қайтариб олмоқчи бўлганини такрорлар эди.

Исроиил эса енгил ҳаёт охир-оқибат оиласига, фарзандининг ҳаётига зомин бўлиши мумкин эканлигини тушуниб етиб, тезда барча қарзларини қайтариб берди.

Суд Г.Ахоровага нисбатан жазо турини белгилашда унинг шахсини, қилмишидан пушаймонданигини, оилавий шароитини инобатга олса-да, мазкур жиноятни гараз ниятда содир этганини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унга нисбатан 15 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

(Мақола қаҳрамонларининг исм-шарифлари ўзгартирилган).

Ж.ВАСИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарув прокурори,  
Н.ҚОСИМОВА,  
журналист

ГИЁВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган ҳамда дунёда глобаллашув жараёнининг салбий иллатларидан бири сифатида кенг тарқалаётган улкан муаммолардан бири — гиёвандликдир. Ушбу иллат билан кенг жамоатчиликнинг бир қисмида курашиш мақсадида мувофиқдир.

Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий боғида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган «Гиёвандликка, ОИТС (СПИД)га қаршимиз» шiori остидаги тадбирда ҳам шу хусусда сўз борди. Унда «Камолот» ЁИХ қошидаги Сардорлар мактабининг 200 нафар фаол аъзолари 5 та гуруҳга бўлиниб иштирок этишди.

Тадбирнинг биринчи қисмида гуруҳлар ўзларининг гиёвандликка бўлган муносабатларини бир-бирдан қизиқарли, инсонларни чуқур мушоҳада қилишга қўлайлигини расмларида акс эттиришди.

Шундан сўнг гуруҳлар «Гиёвандлик — умр заволи» мавзусидаги шартни бажаришга киришди. Бунда улар асосан, гиёвандликнинг оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган бедаво, юқумли касалликлар ҳақида мулоҳазалар юритишди. Ва ўзлари тайёрлаган сахна кўринишларини йиғилганларнинг эътиборига ҳавола этишди.

— Ушбу сахна кўринишларида биз гиёвандлик моддаларини кўп истеъмол қилган ёшларни тасвирлашга ҳаракат қилдик. Яъни, гиёвандлик моддаларига ҳужум қўйган инсоннинг биринчи галда ташқи кўриниши салбий томонга ўзгариб кетишини акс эттирдик, — дейди «Истиқлол» гуруҳи аъзоси Анвар Аббосов.

Ва ниҳоят, тадбирнинг сўнгги «Кувноқ бекатлар» шартида иштирокчилар турли спорт мусобақалари бўйича баҳслашишди. Спорт мусобақалари орқали гуруҳлар соғлом турмуш тарзи тарафдори эканлигини яна бир бор исботлашди.

Барча турларда «Истиқлол» ва «Кристалл» гуруҳлари ўзларининг фаолликларини кўрсатишди. — Мана шу сингари ёшларни огоҳликка, бирдамликка қорловчи тадбирларнинг мунтазам ўтказилишини хоҳлардик. Мустақил юртимизнинг келажаги учун барчамиз соғлом турмуш тарзини яратишимиз керак. Зеро, юртимизга соғлом, ҳар томонлама етук, комил инсонлар керак, — дейди Сардорлар мактабининг фаол аъзоси Диёра Қаландарова.

Баҳодир ХОЛМАТОВ,  
Ҳасина КОДИРОВА

Ёлғизликдан қутулиш йўлини Гулбахор дидига мос келадиган одамни топа олмай бир неча йил қийналди. Исроиил билан бўлган тасофиий танишув аёлининг қалбига яна оилалик бахш этди. Қўхликкина Гулбахор билан учрашув Исроиилни ҳам бефарқ қолдирмади. Аёлининг кўл телефони рақамини олган Исроиил унга тез-тез кўнғироқ қилиб, учрашувга таклиф эта бошлади. Исроиилнинг оиласи, бола-чақаси борлигини билган Гулбахор даставвал бунга розилик бермасда-да, эркакнинг хушмуомалалигини, барча муаммоларни телефон орқали ҳал этиши унинг қалбини аста-секинлик билан забт эта бошлади. Уларнинг муносабатлари мустаҳкамланиб, Исроиил Гулбахорнинг ўзига қаттиқ боғланганлигини сезгач, аста-секинлик билан аёлдан ўзини олиб қоча бошлади. Бу аёллар билан бўлган муносабатидан Исроиилнинг ишлатидаги энг содда хийла йўли бўлиб, у тез орада бошқалар сингари Гулбахор ҳам унга айтган пулни бериши, Исроиилни ёнида олиб қолиш учун унинг деярли барча харажатларини кўтаришини билар эди. Ҳамма нарса айнан Исроиилнинг ўйланганидек бўлиб чиқди.

— Азизим, энди қамроқ кўришмасак бўлмайди. Хотиним ниманидир сезган шекилли, анча тергаб қолди. Бир-икки ой менга кўнғироқ ҳам қилма. Бундан ташқари биттасидан қарз олгандим, зудлик билан қайтар деб қўймапти. Шунинг ҳам бир йўлини қилишим керак, — деди Исроиил ҳазин овозда учрашувларнинг берида.

Гулбахор қутилмаган янгиликдан довдараб қолди: — Бир-икки ой? Ахир, мен сизисиз қандай яшайман? Сизга жуда ҳам ўрганиб қолдим.

— Айтдим-ку, гап фақат

## Кўргазмалар

## БОЛАЛАР НИГОҲИДАГИ ОЛАМ

Шаҳримиздаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистондаги Арман миллий маданият маркази ҳамкорлигида «Мен яшаётган олам» болалар ва ёшлар кўргазмаси намоиш этилмоқда.

Мамлакатимиздаги Арман миллий маданият марказининг вазифаси миллий анъаналар ва маданий бойликларни сақлашдан иборат бўлиб, ушбу марказ мазкур кўргазманинг бош ташкилотчиларидан биридир. Арман миллий маданият маркази 1989 йилда Тамарахоним раҳбарлик қилган гуруҳнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Марказ 2001 йилда Тошкент, Самарқанд ва Андижондаги худудий ташкилотлар иш фаолиятини бошқарувчи Республика жамоатчилиги уюшмаси мақомини олди. Бугунги кунда мазкур марказ — ўқув-таълим, ижтимоий, ёшлар, миллатлараро ва маданий дастурларни фаол амалга ошираётган ташкилий тизимли уюшмадир. Марказнинг рақс, драма, бадий ва бошқа студиялари ўзига хос мухитни ташкил этиб, мўъжизакор узоқ ўтмишга эга арман санъати оламига сайр этишга тақлиф этади.

«Мен яшаётган олам» кўргазмаси сайёрамизда яшаётган барча халқларнинг кўп қирралилгини ва ўзига хослигини, уларнинг урф-одатларини, анъаналарини ва маданий меросини намоён этади. «Арвест» студияси Арман миллий маданият

маркази асосида ташкил топган. Унда таҳсил олаётган ёш рассомлар кўп миллатли жамоани ташкил этади. Студиянинг уч нафар қатнашчиси Ўзбек — Япон маркази томонидан эълон қилинган болалар расмлари танловининг 20 та ғолиблари сирасига кирганлар. Танлов Буюк Ипак йўлига бағишланган бўлиб, айнан у босиб ўтган йўллардаги мамлакатларда ўтказилди. Ғолиб болаларнинг ишларидан ўзига хос қарвон ташкил этилиб, у ўз йўлини Ипак йўли орқали бошлаб, Япониянинг энг яхши кўргазма залларида саёҳатини якунлади. «Арвест» студиясининг ёш тарбияланувчилари Украинанинг «Батькивщина» маданият маркази, Юнон шаҳар маданият маркази ва бошқа кўпга Республика миллий маданият марказлари томонидан ўтказилаётган бадий тадбирларда иштирок этиб келмоқдалар.


Кўргазма иштирокчиларининг ёрқин, шўх, ҳиссиётларга бой ижодий ишлари ҳеч қандай бефарқ қолдирмайди. Ахир бу ишлар кўёшли Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг кўпмиллатли оиласини намоиш этмоқда.

Дилором ИКРОМОВА



СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа.

Владимир Гранкин олган сурат



## МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

## ХИКМАТЛАР

## КАМГАПЛИК ВА СУКУТ

Луқмони ҳақим камгаплик ва сукут ҳақида шундай деган экан:

— Камгаплик ва сукутда шундай ҳислатлар бор: камгаплик тақинчоқсиз зийнатдир, сиёсати йўқ ҳайбат, девори йўқ қалъа ва либоссиз айб ёпувчи!

## БИЛИМ ВА ХАЗИНА

Луқмони ҳақим айтадики:

— Одам учун дунёда билимдан яхшироқ ёр йўқ ва билим хазинадан ҳам яхшироқдир. Чунки сен хазинани эҳтиёт қилишинг керак. Билим эса сени кутқаради ва муҳофаза қилади.

## БЕДАВО ДАРД

Луқмони ҳақимдан:

— Сен ўзинг кўрган иллатлар ва айблардан қайси бирига даво тополмадинг? — деб сўрадилар. Луқмон:

— Мен барча иллатларга ҳикмат юзасидан даво топдим, аммо даволай олмаганим бадфеъллик бўлди! — деб жавоб берди.

## ИККИ ИЛЛАТ

Луқмони ҳақим ўғлига деди:

— Эй ўғлим, ялқовлик кўчасига кирма, кўнглинг сира тор бўлмасин, чунки кимда ялқовлик ва бесабрлик бўлса, у ҳеч қачон бахтга эриша олмайди.

## ЭНГ ФЙДАЛИ ЎГИТЛАР

Луқмони ҳақим донолар хазинасидан уч нарсани танлаб олибди. Биринчиси — ўлимни доимо ёдда тутиб, у келмасдан аввал яхши ишларни амалга ошириб қолиш, иккинчиси — бировга яхшилик қилинса, уни бутунлай ёддан чиқариш, учинчиси — биров ёмонлик қилса, уни дилда сақлаб, гина қилиб юрмаслик.

## ЭНГ ЁМОН АЙБ

Луқмони ҳақим:

— Инсон учун энг ёмон айб кишининг ўз айбини кўра билмаслигидир! — деган эди.

ЛУҚМОНИ ҲАҚИМНИНГ НАСИХАТИ  
Луқмони ҳақим ўз ўғлига насиҳат қилиб айтarkan:

— Эй ўғил, бирор киши олдинга бир ҳожат билан келса, ундай кишини ноумид қилиб қайтарма. Қўлингдан келганча ҳожатини раво қил. Ёнингда етарли маблағинг бўлса, ҳожатманд одамларга қарз бер! Ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқариш дунёда энг яхши фазилатлардан ҳисобланади.

## ИЛМНИНГ ФЙДАСИ

Арасту ўлимига яқин ўғлини чақириб шундай дебди:

— Болажоним, ўз умримни илму ҳикматнинг сирларидан воқиф бўлиш йўлида сарф қилдим. Илму ҳикмат нури билан жуда кўп тугунларни ечдим, аммо ўлимга чора тополмадим. Сенга қиладиган васиятим шуки, молдавлат орқасида орттирилган иззат-обрўда бақо йўқ. Иззат-ҳурмат, шон-шараф илмда. Илм орқасида қўлга киритган шон-шараф фано ва заволни билмайди, давлат ва сиёсатнинг ўзгариши унга таъсир қилмайди.

Шоҳлар мени илмим туфайли улуғлашди, бўлмаса, мен ҳам улар қармоғидаги бир одам эдим. Шоҳлар тобелигидаги одамлар шоҳларга таъзим қилишади ва сифинишади.

Илмим бўлмаганида, менинг подшоҳлар учун китоб юкланган эшакдан фарқим қолмасди. Уларга сифинадиган ва хизматни бажо келтирадиган бир гулом бўлар эдим, холос.

Иззат-ҳурматга лойиқ бўлай, номим абадий қолсин десанг, илм орттир!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

## Спорт янгиликлари

## ШАРТНОМА КУЧГА КИРДИ

Футбол мухлисларига маълумки, бразилиялик тажрибали мутахассис Луис Фелипе Сколари мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» жамоаси билан ўн саккиз ойлик муддатта шартнома имзолаган эди.

«Бунёдкор» жамоасига бош мураббийлик ҳамда болалар футбол академиясига раҳбарлик қилиши режалаштирилган Сколари Тошкент халқаро аэропортида куни кеча футбол ишчибозлари ва мутахассислар томонидан тантанали кутиб олинди. Шуниси эътиборлики, Тошкентда унга ёрдамчи мураббий Флавио Да Кунья Тейшейра, жисмоний тайёргарлик бўйича Дарлан Жозе Шнайдер, дарвозабонлар мураббийи Антонио Карлос Прачиделлилар ёрдам беришади.

Бухоро вилоятининг Олот туманида 1992-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида кураш бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари ташкил этилди.

## ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ЧЕМПИОН

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда республикамизнинг барча вилоятларидан келган умидли ёш полвонлар иштирокида уюштирилган мазкур нуфузли турнир мамлакатимиз ёшлари орасида миллий кадрларни тайёрлашга мўъжиза келтирган мусобақа бўлишига шубҳасиз эътибор қилиш керак.

Қизлар ўртасида 9 та вазн тоифасида ташкил этилган беллашувлар якунида қорақалпоғистонлик спортчилар Мамина Жақилқова, Гўзал Қўчқорова, Жулдуз Мустапаева, Санам Еркинбоевнинг ўз вазн тоифаларида шохсупа тўридан жой эгаллаганликларини таъкидлаш жоиз.

Ўсмирлар ўртасида ҳам тўққиз вазн тоифасида уюштирилган мусобақа қизиқарли ва мurosасиз кечди. Унда тўрт нафар бухоролик ёш полвонларга ўз вазн тоифаларида мамлакат чемпиони бўлишдек шараф насиб этган бўлса, ҳамшаҳарларимиз Сарбоз Жабборов, Ҳасан Юсупов, Аваз Тоймуродовларга ҳам вазн тоифаларида тенг келадиган рақиб топилмади. Қолган вазн тоифаларида хоразмлик ва бухоролик полвонлар ғолиб бўлишди.

Номлари санаб ўтилган мутахассислар ҳам пойтахтимизга етиб келишди. Дарвоқе, ўзбек футбол, хусусан, болалар футбол ривожига муносиб ҳисса қўишини ният қилган Сколарининг таъкидлашича, Тошкентга яқин кунлар ичида хориждан яна 20 нафарга яқин тажрибали мураббийлар ташриф буюришади. Сколари Ўзбекистон футбол яқин келажакда халқаро миқёсда ўз сўзини айтишига, миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатида қатнашишига жуда ишонмоқда. Чунки унинг фикрича мамлакатимизда иқтидорли футболчилар жуда кўп. Фақат уларни умумий мақсад — ғалабалар сари жиқлаштири олиш керак.

## GERMANYDAN МЕДАЛЛАР БИЛАН

Германиянинг Дортмунд шаҳрида юнон-рум кураши бўйича уюштирилган Гран-при турнири мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларга омад келтирди.

## БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида ўтказилган 15-тур баҳслари биринчи даврага якун ясади.

Шуниси эътиборлики, ушбу турда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» ўз майдонида «Сўғдиёна» жамоасини 5:0 ҳисобида доғда қолдирди. Кизиги ўн етти дақиқа ичида меҳмонлар дарвозасини тўрт марта иш-гол этган бразилиялик футбол юлдузи Ривалдо учрашув қахрамонига айланди. Чунки шу кунгача миллий чемпионатимизда ҳеч бир футболчига ўн етти дақиқа ичида рақиб дарвозасига тўртта гол киритиш насиб этмаганди. «Бунёдкор»нинг бешинчи ғолига

Сервер Жепаров муаллифлик қилди.

Ғузурда «Шўртан» жамоаси меҳмони бўлган «Пахтакор»га ҳам шу кун омад қилиб боқди. Уйинда тўлиқ устунлик қилган пахтакорчилар мезонларни 4:0 ҳисобида мағлуб этишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Нефчи» — «Динамо» — 2:0, «Кизилкум» — «Локомотив» — 1:0, «Хоразм» — «Навбахор» — 3:1, «Олмалик» — «Насаф» — 0:2, «Бухоро» — «Андижон» — 2:1, «Машъал» — «Металлург» —

1:1. Турнир жадвалининг энг юқори погонасини «Бунёдкор» эгаллаб турган бўлса, «Пахтакор» ва «Насаф» жамоалари чемпионни таъкиб этишяпти.

«Машъал» ва «Металлург» жамоалари шу кунгача 10 тадан очко жамғариб жадвалнинг энг сўнгги ўринларида боришмоқда.

Мамлакат XVIII миллий чемпионатининг иккинчи давра 16-тур беллашувлари 6,7 август кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!!!

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг «Тошавтобустранс» ва «Тошэлектротранс» компаниялари ҳайдовчи ва чиптачи лавозимларига ишга тақлиф қилади.

## Ўртача ойлик иш ҳақи:

автобус ҳайдовчиси - 250-350 минг сўм;

трамвай ҳайдовчиси - 250-300 минг сўм;

троллейбус ҳайдовчиси - 200-250 минг сўм;

чиптачи - 140-180 минг сўм.



Маълумот учун телефонлар: «Тошавтобустранс» Акциядорлик компанияси: 233-59-38

«Тошэлектротранс» Давлат компанияси: 244-24-75



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ

Манзил: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

## Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот  
бўшқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2857 нусхада босилади.  
Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

156 89